

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2026 йил ... ойининг ... куни жиноят ишлари бўйича Узун туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ф.М.Мирзакулов, халқ маслаҳатчилари С.Нарзуллаева ва Ж.Жумаевлардан иборат таркибда, С.Хушбоқовнинг котиблигида, томонлардан Узун туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Туракулов, судланувчи ..., унинг ҳимоячиси Б.Мирзаевнинг иштирокида, ...га нисбатан 1-1912-...-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

... – ... йил ... сентябрь куни ... туғилган, миллати афғон, ўзбек тилини яхши билади, таржимонга муҳтож эмас, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, ... тумани, “...” маҳалласи, “...” кўчаси ...-уйда яшайди, иш юзасидан 22.11.2025 йилда ЖПКнинг 224-моддаси тартибида, 26.11.2025 йилда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, ЖИБ ... туман суднинг 27.11.2025 йилдаги ажрими билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чора қўлланилган ва қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ... кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда сотиб ўтказиш мақсадида, олдиндан тезкор тадбирга жалб этилган “Х” исмли шахсга “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 300.000 сўмга сотишга келишиб, 2025 йил 22 ноябрь куни соат 17 ларда ... тумани “...” маҳалласи ҳудудида 1 дона оқ рангли целлофан пакетга қадоқланган, кўп миқдорни ташкил қилувчи 0,58 грамм кўп миқдорни ташкил қилувчи “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотиб ўтказган вақтида ушланиб, ашёвий далиллар ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи ... суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, қариндоши ... анча йиллар гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб келганлигини, у 2012 йил 26 июнь куни касалликдан вафот этганлигини, бундан анча олдин ...дан хабар олгани борганида у тахминан 5-6 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини берганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини бир қисмини истемол қилиб, қолганини яшириб қўйганлигини, ... исмли аёл билан анча йилдан бери таниш эканлигини, 2025 йил 22 ноябрь куни ... билан телефонда гаплашиб, бозорлик қилиб бирга дам олиш учун Сариосиё туманидаги “...” дам олиш масканига бормоқчи бўлишганлигини, ўша вақтда ... “истемол қилишга дорингиз йўқми” деб сўраганлигини, унга 2 граммлар атрофидаги “гашиш” гиёҳвандлик моддаси борлигини, ҳар бир граммни 130.000 сўмдан жами 260.000 сўмга сотишини айтганлигини, ... гиёҳвандлик моддасини сотиб олишга рози бўлганлигини, кейин уйдаги гилам тагидан яшириб қўйган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини олиб кўчага чиққанлигини, ... билан Денов



туманидаги “Қизилсув” дарёси бўйида учрашганлигини, йўлда ... туман марказий шифохонаси олдидаги дўконлардан бозорлик қилиб чиққанидан кейин ...ка кетишганлигини, ўша ерга бориб дам олишганлигини, шу орада ... гиёҳвандлик моддаси учун ўзига 300.000 сўм пул берганлигини, кейин иккаласи “гашиш” гиёҳвандлик моддасини бир қисмини бакалажкани ичига тутун қилиб чекишганлигини, қолган гиёҳвандлик моддасини ...га берганлигини, у гиёҳвандлик моддасини телефонидаги ғилофини орасига солиб қўйганлигини, кейин таксида ...дан қайтишганлигини, Денов тумани “...” маҳалласига келишган вақти такси ҳайдовчиси автомашинани четга тўхтатганини ва қорни оғриётганини айтиб тушиб кетганлигини, шу пайти ИИБ ходимлари келиб ушлашганлигини, ИИБ ходимлари текшириб, ...нинг телефони орақ ғилофи орасидан “гашиш” гиёҳвандлик моддасини топишганлигини, гиёҳвандлик моддасини тарозида ўлчашганда целлофан пакети билан 0,61 грамм чиққанлигини, ИИБ ходимлари сўрашганда ... ушбу гиёҳвандлик моддасини ўзидан 300.000 сўмга сотиб олганини айтганлигини, ўзи ҳам унга гиёҳвандлик моддаси сотганини тан олганлигини, кейин ИИБ ходимлари спорт трикосининг ўнг чўнтагидан ... гиёҳвандлик моддаси учун берган 300.000 сўм пулларни ҳам олишганлигини, текшириб кўришганда баённома асосида берилган пуллар экани маълум бўлганлигини, ИИБ ходимлари бу ҳақда ҳужжат тузишганлигини, бундан олдин ҳеч кимга гиёҳванд модда сотмаганлигини, таниши ... илтимос қилгани учун унга озроқ гиёҳванд моддани сотганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилавий шароити оғирлигини инobatга олиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ ... суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам, Узун туман ИИБ ТҚК ЖҚБ бошлиғи вазифасида ишлашини, тезкор маълумотлар ва “Х” исмли шахснинг аризасига кўра, Денов туманида яшовчи ...нинг гиёҳвандлик моддалари сотиш билан шуғулланаётгани ҳолати юзасидан тезкор тадбир ўтказиш режалаштирилганлигини, 2025 йил 22 ноябрь куни соат 17 лар атрофида холислар иштирокида ўтказилган тадбир жараёнида “Х” исмли мижоз ...дан ИИБ махсус фондидан берилган 300.000 сўм эвазига гиёҳвандлик воситасини сотиб олгани аниқланганлигини, тадбир давомида Денов тумани, “Тулистон” маҳаласида ... билан кетаётган мижознинг ёнлари кўздан кечирилганда унинг телефони орақ қисмидан целлофан пакетга ўралган малла рангли ўткир ҳидли “гашиш” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда топилганлигини, ушбу модда электрон тарозида ўлчаб кўрилганда целлофан пакети билан 0,61 граммни ташкил этганлигини, мижоз ушбу гиёҳвандлик воситасини ...дан 300.000 сўмга сотиб олганини билдирганлигини, сўнгра холислар иштирокида ...нинг ёнлари кўздан кечирилганлигини, шунда унинг эғнида бўлган кўк рангли спорт кийимининг ўнг томон чўнтагида 300.000 сўм пул борлиги ва текшириб кўрилганда тадбир учун берилган пуллар эканлиги аниқланганлигини, ...дан ҳолат бўйича сўралганда у тадбирга мижоз сифатида жалб этилган аёлга “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 300.000 сўмга сотганини маълум қилганлигини, ушбу ҳолатлар видеотасвирга ва фотосуратга олинганлигини, кейин тадбир иштирокчилари билан Узун туман ИИБ келиниб, ҳолат юзасидан тегишли баённома тузилганини ва тушунтириш хатлари олинганлигини, тадбир давомида ...га нисбатан ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этилмаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.



Суд, давлат айбловчисининг хулосаси ва ҳимоячининг фикрини, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини эшитиб, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи ...нинг жиноят содир этганликдаги айби унинг судда ўзини айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувлари ва пушаймонлик аризасидан ташқари, гувоҳ ...нинг тергов ва суддаги кўрсатувлари, гувоҳлар ...ларнинг терговдаги кўрсатувлари, тадбир учун пулларни бериш баённомаси, ашёни кўздан кечириш ва олиш баённомаси, фотосуратлар, дастлабки тушунтириш хатлари, суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси, ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга кўшиш ҳақидаги қарор, жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Жумладан, суд-кимёвий экспертизасининг 24.11.2025 йилдаги 608-сонли хулосасида ...дан олинган тўқ яшил рангли, ўзига хос хидли, пластилинсимон модда таркибида “тетрагидроканнабинол” моддаси мавжуд бўлиб, “гашиш (наша), каннабис смоласи” гиёҳвандлик воситасига турига кириши ва соф оғирлиги 0,58 граммни ташкил қилиши, тадқиқот давомида 0,01 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси сарфланганлиги қайд этилган.

Суд-наркология экспертизасининг 05.12.2025 йилдаги 520-сонли хулосасига кўра, ... наркомания (гашиш) билан касалланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси қўлланилиб, мажбурий тиббий даволанишга муҳтожлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп билан қонунга хилоф равишда муомалага қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 12-сонли Қарорининг 21, 25-бандларига кўра, ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлигини, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) кадокланганлигини, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга



яширилганлигини, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлигини, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” ги 330-сон Қарорини 4-илоvasи (I рўйхат) нинг 28-бандига мувофиқ, “гашиш” (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик моддасининг 0,1 граммгача бўлган миқдори кўп бўлмаган миқдорни, 0,1 граммдан 0,5 граммгача бўлган миқдори озгинадан кўпроқ миқдорни, 0,5 граммдан ортиғи кўп миқдорни ташкил қилади

Шунга кўра, суд судланувчи ...нинг жиноий қилмишини квалификация масаласини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, у 2025 йил 22 ноябрь куни алоҳида қадоқланган, фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган кўп миқдорни ташкил қилувчи 0,58 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини тезкор тадбир давомида киритилган шартли харидорга сотиб ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-бандида Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекс 54-моддасининг 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур Пленум Қарорининг 37-бандига кўра, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми



моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида қўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослангандан ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллигини, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлигини, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлигини, судланувчининг кекса ёшда эканлигини, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлигини, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.).

Суд, судланувчи ...нинг айбига иқрорлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, оилавий моддий шароитини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳаракатларида жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Шунга кўра, суд судланувчи ...га нисбатан жазо тури ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқоридаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги белгиланганлигини, 26-бандига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланиши мумкинлигини инобатга олиб, шу билан бирга, ушбу Пленум Қарорининг 37-банди талабига мувофиқ, юқорида қайд этилган унинг жазосини енгиллаштирувчи барча ҳолатлар, хусусан қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, оилавий моддий шароитини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини у дастлаб ушланган кундан бошлаб ҳисоблашни, эҳтиёт чорасини аслича қамокда қолдиришни, наркомания (гашиш) касаллиги билан касалланганлиги туфайли, жазони ўташ жойларда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси асосида мажбурий тиббий даволаш чоралари қўлланилишини белгилашни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва 25.12.2025 йилдаги 000171-сонли далолатнома асосида Сурхондарё вилоят ДХХ



бошқармасига топширилган 0,57 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни;

тадбирда фойдаланилган 300.000 сўм пуллар Сурхондарё вилоят ИИБ махсус фондига қайтарилганини инобатга олишни;

тергов ҳаракатлари видеотасвирлари ёзилган DVD-R дискни жиноят иши билан бирга сақланишини белгилашни лозим топади.

Бинобарин, баён қилинганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497¹-497, 499-500-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

... Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилсин.

...га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 22 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

...га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

...га нисбатан жазони ўташ давомида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан наркомания (гашиш) касаллигига қарши мажбурий тиббий даволаш чораси қўлланилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва 25.12.2025 йилдаги ...-сонли далолатнома асосида Сурхондарё вилоят ДХХ бошқармасига топширилган 0,57 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Тадбирда фойдаланилган 300.000 сўм пуллар Сурхондарё вилоят ИИБ махсус фондига қайтарилгани инобатга олинсин.

Тергов ҳаракатлари видеотасвирлари ёзилган DVD-R диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддатда туман суди орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо) Ф.М.Мирзақулов

Халқ маслаҳатчилари (имзо) С.Нарзуллаева

(имзо) Ж.Жумаев

Аслига тўғри:

